# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 47 (8.631) ◆ 1995 йил 24 апрель, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


## БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Фарғона вилоятида ипак қурти боқишга киришилди. Бу йил вилоят пиллакорлари 5 минг 400 тонна қимматбаҳо хом ашё етиштиришни мўлжалламоқдалар.

❑ Бугун Ўзбекистон гигиеначилари ва санитар врачларининг олтинчи қурултойи иш бошлади. Унда 300 нафар тиббиёт ходимлари, олимлар, шунингдек халқаро соғлиқни сақлаш ташкилотлари вакиллари иштирок этмоқдалар.

❑ Бош вазир, мамлакат футбол федерациясининг президенти Абдулҳошим Муталов олий ва биринчи лига футбол жамоалари мураббийлари билан учрашди. Унда бу оммавий спорт турини янада ривожлантириш ҳақида гап борди.

❑ Чувашистон Вазирлар Маҳкамасининг раиси Энвар Аблякимов бошчилигидаги саноат соҳаси мутахассислари Фарғона вилоятида бўлиб, икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан фикр айирбошладилар.

❑ Пойтахт Ҳамза туманининг вакиллари Қашқадарё вилоятида бўлиб, меҳнат жамоалари билан учрашдилар.

❑ Ўтган ҳафтада қозоғистонлик космонавт-учувчи Талғат Мусабоев «Ўзбеккосмос» таклифига биноан Тошкентда меҳмон бўлди.

❑ Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси С. Жигитов Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонасига «Манас» достони тадқиқига бағишланган 20 тадан кўпроқ китобни совға қилди.

❑ Наманганнинг марказий кўчаларидан бирида супермаркет очилди. Бу янги савдо марказида ҳар ойда 1,5 миллион сўмлик савдо қилиш режаланган.

❑ «Правда Востока» газетаси иловаси — «Коммерческое обозрение» ҳафтаномасининг биринчи сони босмадан чиқди. Ўн минг нусхали бу нашрда асосан реклама ва тижорат хабарлари чоп этилади.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Россия парламентининг юқори палатаси — Федерация Кенгаши аввал Давлат думаси томонидан қабул қилинган Президент сайловлари тўғрисидаги қонунга ўзгартиш киритиб, уни тасдиқлади. Бу ўзгартишга мувофиқ мамлакат Президентлигига ўз номзодини қўймоқчи бўлганлар фуқароларнинг аввал кўзда тутилгандек 1,5 миллион эмас, 1 миллион имзоларини тўплашлари керак. 1996 йилда ўтазиладиган Президент сайловларида ҳозирнинг ўзида таниқли иқтисодчи Явлинский, Россия коммунистларининг етакчиси Зюганов, сибирлик йирик хўжалик раҳбари Романов ўз номзодларини қўйишларини билдирдилар.

❑ Бугун Тбилисига келадиган Халқаро валюта фонди мутахассислари Грузиянинг янги миллий валютаси — ларини муомалага киритиш билан боғлиқ муаммоларни ўрганадилар.

❑ Туркманистон ўз табиий газини Ҳиндистонга ҳам етказиб бериш ниятида. Ана шу мамлакатга борадиган газ қувури қурилишини 2002 йилгача тугаллаш кўзда тутилган.

❑ Россия Бош вазири Виктор Черномирдин чечен халқига мурожаатномасида дастлабки шартларсиз икки томондан жанговар ҳаракатларни тўхтатиш юзасидан музокаралар бошлашга даъват этди.

❑ 1995 йилнинг биринчи чорагида Россияда расмий рўйхатга олинган ишсизлар сони 284 минг нафарга кўпайиб, 1 миллион 921 минг кишига етди.

### ХОРИЖДА

❑ Бугун Украина Президенти Леонид Кучманинг Чехия Республикасига расмий ташрифи бошланади.

❑ Кеча Францияда Президент сайловлари бўлиб ўтди. Давлат раҳбари лавозими учун ўз номзодларини қўйган тўққиз киши орасида сиёсий шарҳловчиларнинг фикрига кўра, Париж мэри Жак Ширак ва мамлакат бош вазири Эдуард Баладюрнинг сайловчиларнинг кўпчилик овозини олиб иккинчи босқич сайловларида иштирок этишларига имкониятлари каттадир.

❑ Копенгагенда Шимолий Америка, Ғарбий Европа ва Япония вакилларининг иқтисодий масалаларга бағишланган уч томонлама комиссияси мажлиси ўтказилди. Унда Россия ташқи ишлари вазири Андрей Козирев ҳам иштирок этди.

❑ Польша Президенти Лех Валенса агар мамлакат Вазирлар Кенгашининг раиси Юзеф Олекса Москвага Ғалабанинг 50 йиллиги байрамида иштирок этиш учун расмий ташриф билан борса, уни давлат трибунали олдида жавобгарликка тортиши тўғрисида огоҳлантирди. Аввал Лех Валенсанинг ўзи бу санани нишонлаш учун Москвага бормаслигини айтган эди.

❑ Руандада ҳукумат қўшинлари билан маҳаллий қабилага тааллуқли қочоқлар ўртасидаги қонли тўқнашувда 8 мингга яқин киши ҳалок бўлди.



*Меҳнат жамоаларида*

## УЗОҚНИ КЎЗЛАГАНЛАР

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси дала меҳнаткашлари учун энг зарур бўлган чигит экиш машиналарини тайёрлаб беради. Узоқ йиллардан бери пахтакорлар меҳнатини енгил қилиб келаётган бу техникаларни ҳозирда республикамизнинг турли бурчакларида учратиш мумкин. Бозор иқтисодиёти шароити келтириб чиқараётган муаммоларни енгиб, дадил одимлаётган корхона машинасозлари ўз маҳсулотларини хорижий давлатларга сотиш йўлида ҳам самарали иш олиб боришяпти. Бунинг мисоли тариқасида Эфиопия, Аргентина, Тунис каби давлатларга буюртма асосида жўнатилган бир неча партиядан иборат чигит экиш машиналарини айтиб ўтиш мумкин.

— Ҳозирги даврда узоқни кўзлаб, тадбиркорлик билан иш тутмасак бўлмайди,— дейди бизга бирлашма бош конструктори Михаил Дорговицкий.— Шуни назарга олиб, конструкторларимиз маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг янги-янги турларини яратиш йўлида бош қотирмоқдалар. Корхона учун янгилик бўлган пневматик сеялка ва ўт-ўланларни ўришда ишлатиладиган (косилка) машиналари мана шу изланишларнинг самараси туфайли майдонга келди. Жамоа томонидан пухта ўзлаштириб олинган бу машиналарга ҳозирданоқ кўплаб буюртмалар олинмоқда. Чунки синов муддатини юқори даражада ўтаган бу техникалар ўзининг ҳар томонлама пишиқ-пухталиги ва унумли эканлигини намойиш этди.

Агар корхона бир йилда пахтакорларимизга оддий чигит экиш машиналаридан 1200 дона етказиб бераётган бўлса, энди у қўшимча равишда 600 дона пневматик сеялка ва 1200 дона ўт ўриш техникаларини тайёрлаб беради.

1100 дан ортиқ ишчи ва хизматчини ўз сафида бирлаштирган бирлашма қошида бир нечта кичик корхоналар ҳам фаолият кўрсатмоқдаки, улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар тобора харидоргир бўлиб боряпти. Масалан, «Югер» ва «Пресс» кичик корхоналарида пластмасса буюмлари ишлаб чиқарилса, «Қуюв» корхонасида асосан канистр, челак, тақсимча каби маҳсулотлар тайёрланади.

— Биз учун зарур бўлган материаллар асосан Россия шаҳарлари ва Украинадан келтирилар эди,— дейди Михаил Дорговицкий сўзини давом эттириб.— Республикамиз мустақил бўлгандан кейин шартномачилар корхона учун зарур ва керакли бўлган маҳсулотларни ўз вақтида етказиб беролмай қолишди. Қарасак, энг катта цехларимизда ҳам иш тўхтаб қоладиган. Корхона маъмурияти дарҳол бунинг чорасини кўрди. Бекобод металлургия комбинати билан алоқани мустаҳкамладик. Бекободликлар бизни металл билан таъминлайдиган бўлишди. Шундай қилиб, ишимиз юришиб кетди. Қолган қисм металлни эса ҳали ҳам Россия ва Украинадан оламиз.

Бирлашма халқимизнинг истеъмол буюмларига бўлган юқори талабини ҳам ҳисобга олган. Корхонанинг истеъмол буюмлари цехида яқиндан бошлаб автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, у ерда мебель фурнитуралари, сантехниклар учун турли ўлчамдаги ускуналар тайёрланмоқда. Цех жамоаси томонидан бунёд этилаётган уй-рўзғор буюмлари ҳам тобора харидоргир бўлиб бормоқда.

Маҳмуд ОРИПОВ.

*СУРАТДА: асбобсозлик цехи чилангари В. Кузнецов (ўнгда) ва бирлашма бош конструктори М. Дорговицкий.*

## ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА

Савдо ташкилотларида касса жиҳозларидан фойдаланиш ҳақидаги қарор жойларда ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Айни пайтда кўплаб дўконлар керакли ускуналарни харид қилишга улгуришди ва савдо қилувчи бўлимларига ўрнатишди. Ана шу касса жиҳозларини сотиб олишга улгурмаган дўконлар «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулотларидан фойдаланиши мумкин. Чунки корхона жамоаси яқинда касса жиҳозларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришди.

— Биз бу касса жиҳозларини ишлаб чиқариш бўйича чет эл фирмаларининг бири билан шартнома тузишга муваффақ бўлдик,— дейди бирлашма бош муҳандиси Анатолий Христич.— Бу ерда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги ишлаб чиқараётган касса жиҳозларимиз бутун жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб беради.

Биринчи касса жиҳозларини йиғиш учун айрим деталь ва бошқа керакли қисмларни чет элдаги шериклар етказиб беришди. Лекин корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳисобига бу деталь ва қисмларни чет элдан олиб келиш фоизи босқичма-босқич қисқартирилади ва улар бирлашмада тайёрланади. Бунинг учун ҳозирги кунда корхона бўлинмаларидан бири қайтадан жиҳозланмоқда. Унга янги ускуналар ўрнатилмоқда. Қуйиш машиналари ҳамда пресс-қолипларни тайёрлайдиган дастгоҳлар сотиб олиниши мўлжалланмоқда. Ана шу режаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси миллий банки катта ёрдам кўрсатаётир.

Хуллас, келажакда мазкур касса жиҳозларини йиғиш учун чет эллик шерикларнинг етказиб бераётган деталь ва қисмлари миқдори 30 фоиздан ошмайди. Лекин бўлинма республикамиздаги ҳамма савдо шохобчаларини касса жиҳозлари билан таъминлаш қурбига эга бўлади.

Корхонада илк 50 та касса жиҳозлари йиғилиб, синовдан ўтказилди. Айни пайтда бу маҳсулотлар бирлашма мол ўтказиш бўлимида ўз мижозларини кутиб турибди.

Ғулом ЮСУПОВ.

## ҒАМХЎРЛИКНИНГ ЯНГИ ИФОДАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг «1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва мамлакат ичкарисида ишлаган меҳнаткашларни фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги байрами муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони мамлакатимизда фахрийларга кўрсатилган ғамхўрликнинг янги ёрқин ифодаси бўлди.**

Фашизмга қарши қирғин-барот урушда очиғи, биз кўрмаган азоблару қийинчиликлар қолмади ҳисоб. Ушбу урушдан «ёдгорлик» сифатида болдир суягим ичида ҳамон осколка парчаси турибди. Биз ўша пайтларда ота-оналаримиз, ака-укаю опа-сингилларимиз озод, тинч ҳаёт кечирсин, фашистлар қўлида қул бўлиб қолмасин, деган ўй-хаёлларда ҳаёт-мамот жангига кирардик. Шукрки, тақдиримиз кулиб урушдан омон қайтдик, бола-чақалар роҳатини кўриб яшаяпмиз.

Давлатимиз раҳбарларининг уруш фахрийларига бўлган доимий эътибори, ғамхўрлиги бизни чуқур ҳаяжонга солмоқда. Чунончи, мустақил республикамизнинг «Жасорат» ва «Шуҳрат» медалларининг таъсис этилиши нур устига нур бўлганди. Юртбошимизнинг куни кеча чиққан «1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини ва мамлакат ичкарисида ишлаган меҳнаткашларни фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги байрами муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги Фармони билан танишгач эса давлатимиз ва ҳукуматимиз олиб бораётган оқилона сиёсат, миллий-маънавий қадриятларимизни тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатларининг нақадар тўғрилигига яна бир карра тан бердик. Ўйлаймизки, юртимиз осмони мусаффо, республикамизнинг эса келажаги албатта буюк бўлади.

Умар ХАЛИЛОВ,
уруш ногирони.

* * *

Жуда ҳаяжондаман. Куни кеча Президентимизнинг газеталарда эълон қилинган «1941 — 1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини ва мамлакат ичкарисида ишлаган меҳнаткашларни фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги байрами муносабати билан мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонини ўқиб, кўзимга севинч ёшлари тўлди. Шундай доруломон кунларга етказгани, оғир кунларда чеккан машаққатларимиз муносиб қадр топаётганлигидан яратганга шукроналар айтдим. Ўзим машъум уруш йилларида мамлакат ичкарисида фронт учун жуда зарур маҳсулот етказиб берган Чкалов номли авиация заводида меҳнат қилганман. Ишлар кеча-кундуз, иссиқ-совуққа қарамасдан, бетиним давом этарди. Эҳ, у кунлар заҳмати... Юртбошимизга мингдан-минг раҳмат, мана шундай улуғ айём кунларида бизни ҳам унутмадилар. Илоҳим умрлари узоқ бўлсин. Биз кексалар, истиқлолимизнинг дадил одимларидан, Президентимизнинг доно сиёсатидан жуда мамнунмиз. Урушдан кейин қанча даврлар ўтди, лекин ҳеч қайси раҳбар мамлакат ичкарисида ишлаган меҳнаткашларни бунчалик эъзозламаган эди. Кексалари улуғланган юрт албатта обод бўлади!

Икром ЖАЛОЛОВ,
меҳнат фахрийси.

*Футбол*

## МЕЗБОНЛАРНИНГ ҚЎЛИ БАЛАНД

Кеча республикамизнинг турли шаҳарларидаги ўйингоҳларда IV-Ўзбекистон миллий чемпионати ўйинларининг 5-тур учрашувлари бўлиб ўтди.

«Пахтакор» ўз майдонида Марғилоннинг «Атласчи» жамоасини қабул қилди. Учрашув 4:0 ҳисобида майдон эгаларининг фойдасига ҳал бўлса-да, мухлисларнинг фикрига кўра, пахтакорчилар бор имкониятлардан тўлиқ фойдаланмадилар. Бунга мисол тариқасида уларнинг кўпгина қулай вазиятларни бой берганликлари, ўйин қоидаси ҳам тез-тез бузилиб турганлигини айтиш мумкин. Буни ўйиндан сўнг бўлиб ўтган матбуот конференциясида жамоанинг бош мураббийси Ханс Хендрик Ферель ҳам тан олди. Аммо нима бўлганида ҳам, севимли жамоанинг бу ғалабаси мухлисларга хуш кайфият бахш этди.

Юқоридаги баҳсда тўпларни Дилмурод Назаров (2 та), Равшан Бозоров ва Рустам Дўрмоновлар киритишди. Кеча бўлиб ўтган бошқа учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Навбаҳор» — «Динамо» — 2:0,
МҲСК — «Нурафшон» — 4:0,
«Темирйўлчи» — «Нефтчи» — 1:2,
«Сўғдиёна» — «Машъал» — 3:0,
«Политотдел» —«Чирчиқ» — 2:3,
«Трактор» — «Янгиер» — 1:0,
АСК — «Наврўз» — 2:2.

Беҳзод ҲУСАНОВ.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

/ ЯНГИЛИКЛАР / ВОҚЕАЛАР / ХАБАРЛАР

### ХОРИЖГА ЙЎЛЛАНМА

Бундан бир неча йил илгари Тошкентда ўз фаолиятини бошлаган бу иқтисодиёт лицейи бугунги кунда янги типдаги йирик ўқув даргоҳларидан бири ҳисобланади. Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ҳузурида ташкил топган мазкур лицейда синовлар математика ва чет тили фанларидан тест усулида амалга оширилмоқда.

Олий ўқув юрти ёрдами билан бу ерда компьютер ўқув хоналари, электрон ҳисоблаш машиналари маркази ишлаб турибди. Лицейда уюштирилаётган машғулотларни олиб боришда ҳам университет олимларининг ҳиссалари катта бўлмоқда. Айниқса, «Менежмент асослари», «Маркетинг асослари», «Муомала ва бошқарув маданияти» каби билимлар бўйича уюштирилаётган машғулотлар жуда мазмунли бўлмоқда.

Лицейда америкалик мутахассислар дастури асосида уюштирилган танлов ҳам иқтидорли ўқувчилар учун жиддий синов бўлди. Унда бир неча толиби илм ғолиб чиқди. Ўз билим ва иқтидорини ёрқин намоён қилган бу ўқувчилардан бир неча нафари хорижда ўқишга йўлланма олди. Ҳозир улар Америка, Германия каби тараққий этган давлатлардаги ўқув юртларида ўқишни давом эттирмоқдалар.

Германияда таҳсил кўрган икки нафар истеъдодли ўқувчи эса яқинда Тошкентга қайтиб келди.

Анвар АЛИБОЕВ.

*Ўзбекистон ва жаҳон*

### ЮКСАК КАФОЛАТ БИЛАН

Пойтахтимизнинг 18, 50, 67, 85-автобус йўналишларида қатнаб турган «Мерседес-Бенц» машиналари хизматидан йўловчилар мамнун бўлмоқдалар. Бу хил автобусларда юриш жуда қулай бўлиб, бизнинг иссиқ иқлим шароитига мосдир. Бунинг учун унга совуткич қурилмалари ўрнатилган.

Иккинчидан автобусга юз нафар йўловчи бемалол жойлаша олади. Ҳайдовчи кабинаси юксак техник даражада ишланган. Бу эса автобусни бошқаришда ҳайдовчига катта қулайлик туғдиради.

Автобуснинг двигателига келадиган бўлсак, улар бошқа русумли машиналарга нисбатан дизель ёнилғисини деярли икки баробар кам сарфлайди. Айни вақтда двигателларга электронли мосламалар ўрнатилган. Шунингдек, унда ҳавони тозалаб турувчи янги техник мосламалар ҳам бор. Ёнилғи аппаратлари такомиллаштирилганлиги нур устига аъло нур бўлди.

Кўриниб турибдики, автобуслар йўловчи транспорти хизмати кўрсатишга яхши мослаштирилиб, узоқ муддатгача таъмир талаб қилмайди.

Бироқ техника техникалигини қилади, албатта. Вақт ўтиши билан уни созлаб туриш зарурияти туғилади. Бундай техник қаровни йўлга қўйиш тадбирлари ҳам кўрилди.

«Мерседес-Бенц» фирмасида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи махсус станциянинг ташкил этилиши айни муддао бўлди. «Шарқ юлдузи» деб номланган ўзбек-герман қўшма корхонасига қарашли бу станцияда шу кунларда иш қизғин. Моҳир усталар назоратидан ўтиб, сифатли таъмирланган автобуслар яна бирин-кетин йўналишларга чиқмоқда.

Мазкур фирма станцияси ўтган йилнинг июль ойида иш бошлаган эди. 1995 йилга қадар бу ерда 450 та автомобиль таъмирланиб, асли ҳолига келтирилди. Янги йилнинг ўтган ойлари мобайнида эса 200 га яқин автомашина сифатли созланди.

Ҳозир станцияда Германиядан келган мутахассислар ҳам фаолият кўрсатишмоқда. Улар ўз тажрибаларини ишга солиб, таъмирлашнинг илғор усулларини ҳамкасбларига ўргатмоқдалар. Кўпчилик ёшлар немис мутахассислари маслаҳатларидан баҳраманд бўлиб, малакали мутахассислар бўлиб етишмоқдалар. Эндиликда станцияда шу соҳани пухта эгаллаган усталар кўпчиликни ташкил қилади.

Фирма раҳбарияти малакали мутахассис-инструкторлар тайёрлаш масаласига ҳам алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Германиядаги Штутгарт шаҳридаги машинасозлик корхонаси билан ҳам алоқа боғланди. Фирманинг бир неча нафар ходими яқинда бу корхонага малака оширишга юборилди.

Бундан ташқари Москва ва Алмати шаҳарларида ҳам фирманинг ёш мутахассислари ўз билим ва малакаларини оширмоқдалар.

Кўрилаётган бу каби тадбирлар фирмада фақат маҳоратга эга бўлган юксак малакали мутахассислар ишлаши учун мустаҳкам техник негиз яратиб беришга қаратилган. Бу эса таъмирлаш ишларини фақат анъанавий немисча аъло сифатда адо этиш учун кенг йўл очиб беради.

Аҳмад ОБИДОВ.

### «ЙИЛ ЎҚИТУВЧИСИ-95»

Акмал Икромов туманидаги 295-мактабда туман миқёсида маориф ходимларининг анъанавий «Йил ўқитувчиси» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Танлов давомида ҳакамлар ҳайъати шартларига кўра баҳс иштирокчилари ўз касбларининг аҳамиятини уч дақиқа мобайнида таърифлаб бердилар, ўз фанлари бўйича қилинган ишларнинг қисқача мазмуни билан таништирдилар ва шу орқали ўз фаолиятларини тарғиб этдилар. Шунингдек «Шу азиз Ватан барчамизники» мавзусида 5 дақиқа ичида саҳнада ўқувчилар билан дарс ўтиб, ўзларининг педагогик маҳоратларини намойиш этдилар. Айниқса «Ўйла, изла, топ» викторинаси ҳамда томошабинлар билан биргаликда мусобақа ўтказиш каби шартларда нафақат ҳайъат аъзолари ҳатто томошабинлар ҳам бефарқ қолмадилар.

Ўзига хос бадиийлаштирилган ва театрлаштирилган бу беллашув иштирокчиларининг меҳнати, маҳорати ва билимдонлиги, ўз касбига меҳр-муҳаббатига баҳо бериш ҳайъат аъзоларига осон бўлмади.

Биринчи ўринни 14-мактабнинг меҳнат таълими ўқитувчиси Раъноxон Аҳмаджонова, 74-мактабнинг бошланғич таълим ўқитувчиси Марина Скропцова ва 229-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Ҳанифа Мўминовалар иккинчи ҳамда учинчи ўринни эгалладилар.

Танлов иштирокчиларини туман халқ таълими бўлими мудири Абдулаҳат Йўлчиев табриклаб, ғолибларга қимматбаҳо совға ҳамда мақтов ёрлиқларини топширди.

Дония ЗОКИРОВА.

### МАҲАЛЛА МАВҚЕИНИ ОШИРИБ

Чилонзор тумани ҳокимлигида тумандаги барча маҳалла оқсоқоллари ва котибларини аттестациядан ўтказиш бошланди. Шаҳарда илк бор ўтказилаётган ушбу тадбирдан мақсад — маҳалла қўмиталари аъзоларининг фаоллигини ошириш, жойлардаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишда уларнинг савияларини текшириб кўриш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этишга кўмаклашишдан иборат. Шу сабабли аттестация комиссияси аъзолари турли соха мутахассислари — солиқ инспекцияси, ички ишлар ходимлари, маҳаллалар билан ишлаш бўлимининг аъзоларидан тузилган. Аттестация комиссиясига Чилонзор тумани ҳокимининг ўринбосари, маҳалла оқсоқоллари кенгашининг раиси Обид Аҳмедов бошчилик қилмоқда.

Туманда 44 та маҳалла мавжуд. Ҳафтада 3 марта, ҳар гал 6 та маҳалла оқсоқоллари иштирокида ўтказилаётган маслаҳатлашувларда аҳолини қизиқтираётган масалалар атрофлича ўрганилиб, тегишли ёрдам кўрсатилмоқда. Бу эса ўз навбатида ватан ичра ватан ҳисобланган маҳаллаларнинг имкониятларини ошириш, миллий қадриятларимизни тиклаш, соғлом авлодни тарбиялашда катта аҳамиятга эга эканлиги шубҳасиздир.

Нуршод ҒИЁСОВ.

### МУҲАББАТ ТУҒИЛГАН КУН

«Қизил тонг» маданият саройида фаолият олиб бораётган «Прайд» вокал-чолғу ансамбли ижодий жамоаси «Муҳаббат туғилган кун» деб номланган янги концерт дастурини мухлисларга ҳавола этди. Ёшликнинг сурурли дамлари, муҳаббатга дуч келган қалблар туғёни, ҳижрон, висол ҳақида куй ва қўшиқлардан иборат дастур эстрада шинавандалари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда. Дастурни ансамблнинг бадиий раҳбари Анатолий Аббосов саҳнага олиб чиққан.

### ДАВРА СУҲБАТИ

Миробод туманидаги Кўзи ожизлар маданият уйида шаҳар саломатлик маркази иштирокида «Гиёҳлар билан даволаш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда марказ тиббиёт ходимлари шу кунларда кенг тарқалган гиёҳлар билан даволаш, бунда тиббиёт ходимларининг кўрсатмаларига амал қилиш лозимлиги хусусида сўзлаб бердилар. Айниқса заҳарли, кўплаб касалликларни келтириб чиқарувчи гиёҳлардан эҳтиёт бўлиш, умуман гиёҳлардан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қилиш ҳақидаги маслаҳатлари тўпланганларда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, саломатлик маркази ходимлари йиғилганларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтардилар.

Санобар ҚОДИРОВА.

